



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 29 » aprel

№ 281

Toshkent sh.

### **Яrim тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 23 июлдаги ПФ–104-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 23 июлдаги ПФ–104-сон Фармонида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг (кейинги ўринларда – Инспекция) хulosаси бўлмаган яrim тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ман этилгани **маълумот учун қабул қилинсин**.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Қимматбаҳо металлардан тайёрланган яrim тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг хulosасини олиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:**

яrim тайёр заргарлик буюми тушунчасини белгилаш;

яrim тайёр заргарлик буюмини Инспекция томонидан идентификация қилиш;

Инспекция томонидан тақдим этилган буюм яrim тайёр заргарлик буюмiga мансублиги юзасидан хulosса бериш;

яrim тайёр заргарлик буюмларини Инспекция хulosаси асосида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш тартиби.

3. Белгилансанки, тайёр заргарлик буюмини хulosса олиш учун Инспекцияга юбориш ҳолатлари олдини олиш ҳамда заргарлик буюмларининг олиб чиқилишини тезкор ҳал этишни мақсадида божхона органларига Инспекция мутахассисларини жалб қилишга рухсат этилсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда “Лицензиялаш, руҳсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Мазкур қарорнинг 2-банди ва унга 1-илова қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг  
2025 йил 29 апрелдаги 281-сон қарорига  
1-илова

**Қимматбаҳо металлардан тайёрланган ярим тайёр заргарлик буюмларини  
Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш учун  
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат асиллик даражаси  
назорати инспекциясининг хulosасини олиш тартиби тўғрисида**  
**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом қимматбаҳо металлардан тайёрланган ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг (кейинги ўринларда – Инспекция) хulosасини олиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

**ваколатли орган** – ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш учун хулоса бериш ваколатига эга бўлган Инспекция;

**заргарлик буюмларининг муайян мақсадли қисмлари** – заргарлик буюмларининг асосий, қўшимча ва иккиламчи қисмлари;

**заргарлик буюмининг асосий қисми** – заргарлик буюмининг тавсифини ва фойдаланиш мақсадини белгиловчи қисм;

**заргарлик буюмининг қўшимча қисми** – ҳажми ҳамда мақсади билан заргарлик буюмининг асосий қисмини тўлдирувчи, лекин мустақил равишда фойдаланиб бўлмайдиган қисм (оловчи ҳалқачалар, кулфлар, штифтлар ва бошқалар);

**заргарлик буюмининг иккиламчи қисмлари** – заргарлик буюмининг асосий ва қўшимча қисмига кирмайдиган бошқа майда қисмлар;

**махсус посилка** – талабгор томонидан ваколатли органга тақдим этиладиган, ярим тайёр заргарлик буюмларини жойлаштириш ҳамда муҳрлаш имконини берадиган, қопқоқли шаффоф кўринишга эга пластик идишлар (контейнерлар);

**партия** – талабгор томонидан ариза бўйича бир марта топшириладиган ярим тайёр заргарлик буюмларининг бир ёки бир нечта маҳсус посилкалари;

**талабгор** – амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш хукуқига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари;

**тайёр заргарлик буюмлари** – қимматбаҳо металлар ва уларнинг қотишмаларидан ясалган, қонунчиликда белгиланган энг паст асиллик даражаларидан кам бўлмаган асиллик даражасига эга, ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси изи ва белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси ёки ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси изи ва Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражаси тамғаси изига эга бўлган, технологик жараённинг барча босқичлари (силлиқлаш, сайқаллаш, кавшарлаш ва бошқалар)дан ўтган, заргарлик буюмларига оид Давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб берадиган буюмлар;

**фойдаланишда бўлган, қалбаки тамға излари мавжуд, шикастланган ва/ёки шикаст етказувчи заргарлик буюмлари – қимматбаҳо металлардан ясалган, ташқи ва ички ёриқлари ва синиклари мавжуд, кирилган, ортиқча илмоқли металл бўлаклари (заусенес), эзилган, фойдаланиш жараёнида заар етказиши мумкин бўлган, тирновчи ҳолатдаги, шунингдек, тайёр заргарлик буюмлари талаблирига жавоб бермайдиган заргарлик буюмлари;**

**хомашё** – технологик жараён орқали заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қимматбаҳо металлардан тайёрланган стандарт ва ўлчовли қуймалар, қимматбаҳо металлардан иборат симлар, плиталар, ленталар, пластиналар, листлар, гранулалар ва кавшарлар;

**яrim тайёр заргарлик буюмлари** – қонунчиликда белгиланган асилик даражаларига мувофиқ қимматбаҳо металлардан иборат бўлган хомашёга ишлов берилиб (қиздириш, эритиш, филлердан ўтказиш, қуиши, қирқиши, букиш, эговлаш, кавшарлаш, арралаш, пармалаш, жўвалаш, пардозлаш, сайқаллаш, силлиқлаш ва бошқалар), тўлиқ тайёр заргарлик буюмига айлантириш учун кейинги технологик жараёнларни талаб этадиган ва муайян мақсадли қисмлари жамланган ҳолдаги заргарлик буюмлари ва/ёки уларнинг муайян мақсадли қисмлари;

**яrim тайёр маҳсулот** – муайян мақсадли қисмлар кўринишига келтирилмаган маҳсулотлар;

**яrim тайёр заргарлик буюмларини идентификация қилиш** – талабгор томонидан тақдим этилган буюмларнинг яrim тайёр заргарлик буюми эканлигини тасдиқлаш.

3. Ушбу Низом талаблари қуидагиларни олиб чиқишига татбиқ этилмайди:  
тайёр заргарлик буюмлари;

халқаро кўргазмаларда иштирок этиш учун республика ҳудудидан “вақтингчалик олиб чиқиши” режимида олиб чиқиладиган яrim тайёр заргарлик буюмлари;

божхона ҳудудидан ташқарига қайта ишлаш учун олиб чиқиладиган яrim тайёр заргарлик буюмлари.

## **2-боб. Яrim тайёр заргарлик буюмларини ваколатли орган томонидан идентификация қилиш тартиби**

4. Яrim тайёр заргарлик буюмлари ваколатли орган томонидан мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ идентификация қилинади.

5. Яrim тайёр заргарлик буюмларини ваколатли орган томонидан идентификация қилиш учун талабгор ваколатли органга ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталаида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) рўйхатдан ўтади.

Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъий назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари тушганда, навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун ҳисобланади.

6. Талабгор ёки унинг номидан мурожаат қилиш хуқуқига эга бўлган шахс ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, ваколатли орган ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда 2-иловага мувофиқ аризани электрон равишда тўлдиради.

Талабгор ишончнома асосида ҳаракат қилаётганда, белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома (юридик шахс томонидан берилган ишончнома бундан мустасно) аризага илова қилинади.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, аризани электрон ракамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

7. Талабгор томонидан аризага ярим тайёр заргарлик буюмини ишлаб чиқаришга оид техник хужжатлар илова қилинади.

Талабгордан бошқа маълумотлар ва хужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

8. Талабгор ваколатли органга ўзи келиб мурожаат этганда, ариза билан бирга ваколатли органга ярим тайёр заргарлик буюмларининг партиясини топширади.

Ариза ЯИДХП орқали тақдим этилганда ариза ваколатли орган томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни давомида ярим тайёр заргарлик буюмларининг партияси ваколатли органга топширилиши лозим.

Талабгор ваколатли органга ярим тайёр заргарлик буюмларини маҳсус посилкада топширади.

Маҳсус посилкаларга талаблар ваколатли орган томонидан белгиланади ва унинг веб-сайтида барча учун очиқ эълон қилинади.

Ваколатли орган ярим тайёр заргарлик буюмини талабгордан қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилиб олади.

Ваколатли орган талабгор томонидан тақдим этилган ярим тайёр заргарлик буюмини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

9. Ярим тайёр заргарлик буюмини идентификация қилганлик учун Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 октябрдаги 819-сон қарорига 2-иловада белгиланган миқдорларда тўлов ундирилади.

Ярим тайёр заргарлик буюмини идентификация қилиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, белгиланган тўлов суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Йифимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) ваколатли органга келиб мурожаат этганда, тўлов суммасининг 100 фоизи – ваколатли орган ҳисобварафига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

11,75 фоизи – “Рақамли хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварафига (шу жумладан, 0,5 фоизи йифим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар – ваколатли орган ҳисобварагига ўтказилади.

10. Талабгор ярим тайёр заргарлик буюмини идентификация қилиш хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Бунда талабгор ваколатли орган томонидан хизмат кўрсатишнинг амалга оширилган босқичлари учун тўлов қилишга мажбур.

Талабгор хизматдан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси кўрилмасдан қолдирилади.

11. Ваколатли орган идентификация учун қабул қилинган ярим тайёр заргарлик буюмларининг оғирлигига қараб, куйидаги муддатларда талабгорга ушбу буюмларнинг ярим тайёр заргарлик буюмларига мансублиги ҳақида холоса бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида хабарнома юборади:

партияning оғирлиги 3 000 граммгача бўлган ярим тайёр заргарлик буюмлари бўйича – 3 иш куни давомида;

партияning оғирлиги 3 000 граммдан ортиқ бўлган ярим тайёр заргарлик буюмлари бўйича – 5 иш куни давомида.

12. Ярим тайёр заргарлик буюмлари визуал ҳамда асбоб-ускуналар ва ўлчов воситаларидан фойдаланган ҳолда талабгор тақдим этган ҳужжатлар идентификация қилинади ва қуйидаги текшириш босқичларни ўз ичига олади:

ярим тайёр заргарлик буюмларининг техник жиҳатдан тартибга солиши соҳасидаги ҳужжатларга ва талабгор томонидан аризага илова қилинган ишлаб чиқаришга оид техник ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш;

тақдим этилган ярим тайёр заргарлик буюмларининг кўрсатилган асилик даражасига мувофиқлигини текшириш;

тақдим этилган буюмларнинг ярим тайёр заргарлик буюмларига мансублигини текшириш.

Ваколатли орган аризани кўриб чиқиши муддати давомида ўз ходимлари таркибидан ёки бошқа шахсларни жалб қилган ҳолда эксперт ва ишчи гурухлар ташкил этиши, шунингдек, тақдим этилган буюмлар ярим тайёр заргарлик буюмларига мансублигини белгилаш учун қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

13. Ариза берувчи томонидан мазкур Низомда кўрсатилган ҳужжатлар ёки маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганда, ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда, тақдим этилган ярим тайёр заргарлик буюмлари тавсифлари аризада кўрсатилган тавсифларга мос келмаганда, ваколатли орган бир иш куни ичига ариза берувчига камчиликларни тўлиқ кўрсатган ҳолда хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш учун камида беш иш кунидан кам бўлмаган муддат (имконият) беради.

Давлат хизматини кўрсатиш муддати хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш вақти мобайнида тўхтатиб турилади.

14. Ярим тайёр заргарлик буюмларини идентификация қилишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

талабгор томонидан мазкур Низомнинг 7 ва 8-бандлари талаблари бажарилмаган тақдирда;

яrim тайёр заргарлик буюмини идентификация қилганлик учун талабгор томонидан белгиланган миқдорда тўлов амалга оширилмаганда;

хужжатларда ёлғон ёки қалбаки маълумотлар кўрсатилгани аниқланганда;

талабгор томонидан мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган хатолар белгиланган муддатда бартараф этилмаганда.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслик важи билан рад этишга йўл қўйилмайди.

15. Талабгор томонидан тақдим этилган буюмларнинг яrim тайёр заргарлик буюмига мансублиги ҳақида хulosса беришни рад этиш учун қуидагилар асос бўлади:

яrim тайёр заргалик буюмларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги хужжатлар ва талабгор томонидан аризага илова қилинган ишлаб чиқаришга оид техник хужжатлар талабларига мос келмаганда;

тақдим этилган яrim тайёр заргарлик буюмларининг асилилк даражаси аризада кўрсатилган даражага мос келмаганда;

тақдим этилган буюмларнинг яrim тайёр заргарлик буюмларига мансуб эмаслиги аниқланганда;

тақдим этилган буюм яrim тайёр маҳсулот эканлиги аниқланганда;

тақдим этилган буюм фойдаланишда бўлган, қалбаки тамға излари мавжуд, шикастланган ва (ёки) шикаст етказувчи заргарлик буюми эканлиги аниқланганда.

Бунда ваколатли орган томонидан QR-код (матрик штрихли код) қўйилган хulosса беришни рад этиш ҳақидаги хабаронома З-иловага мувофиқ автоматик равища шакллантирилади ва талабгорнинг ўзига қоғоз шаклида берилади ёки унинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.

16. Талабгор томонидан тақдим этилган буюмларнинг яrim тайёр заргарлик буюмига мансублиги, тегишли асилилк даражасига эга эканлиги аниқланганда ҳамда улар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги хужжатлар ва талабгор томонидан аризага илова қилинган ишлаб чиқаришга оид техник хужжатлар талабларига мувофиқ бўлганда, ваколатли орган томонидан QR-код (матрик штрихли код) қўйилган хulosса 4-иловага мувофиқ автоматик равища шакллантирилади ва талабгорнинг ўзига қоғоз шаклида берилади ёки унинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.

17. Ваколатли орган томонидан берилган хulosанинг амал қилиш муддати 30 календарь кун этиб белгиланади. Белгиланган муддат тугаши билан ушбу хulosса ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

18. Хабарнома ёки хulosса билан бирга ваколатли орган талабгорга идентификация қилинган яrim тайёр заргарлик буюмларни ваколатли органнинг муҳри қўйилган маҳсус посылкада топширади.

Талабгор ваколатли органдан маҳсус посылкани қабул қилиб олганидан сўнг қадоқнинг яхлитлиги ва муҳрларнинг бутлиги учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

19. Талабгор хулоса беришни рад этиш ҳақидаги хабарномадан қаноатланмаган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

20. Ваколатли органнинг хулосасида нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, ариза берувчи бир ой ичидаги тўловни амалга оширмасдан белгиланган тартибда қайта мурожаат қилиш хуқуқига эга (башарти маҳсус посылкада ваколатли органнинг муҳри ва пластик идишлар (контейнерлар)нинг яхлитлиги бузилмаган тақдирда).

### **3-боб. Хулосани қайта расмийлаштириш**

21. Талабгорнинг ташкилий-хуқуқий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили), исми, отасининг исми, унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, талабгор хулосани қайта расмийлаштириш учун ваколатли органга ўн иш куни ичидаги ваколатли органга бевосита ўзи келиб мурожаат этади ёки ЯИДХПда кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда электрон шаклда ариза тўлдиради.

22. Хулосани қайта расмийлаштирганлик учун тўлов ундирилмайди.

23. Ваколатли орган талабгорнинг аризаси келиб тушган кундан бошлаб бир иш кунидан кўп бўлмаган муддатда хулосани қайта расмийлаштиради ва талабгорга юборади.

24. Ваколатли орган хулосани қайта расмийлаштиришда хулоса реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Хулосани қайта расмийлаштиришда илгари берилган хулосанинг амал қилиш муддати ўзгармайди.

### **4-боб. Ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташқарига олиб чиқиш шартлари**

25. Ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташқарига олиб чиқишга факат заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига рухсат этилади.

26. Ярим тайёр заргарлик буюмлари Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташқарига божхона қонунчилигига мувофиқ ваколатли органнинг муҳри билан муҳрланган маҳсус посылкада ва ваколатли органнинг хулосаси асосида олиб чиқилади.

27. Божхона органлари божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнида талабгор тақдим этган маҳсус посылкада ваколатли органнинг муҳри мавжудлиги, бутлиги ҳамда маҳсус посылканинг талабгорга тегишли эканлигини кўздан кечираади.

28. Маҳсус посылкада ваколатли органнинг муҳри бузилган (шикастланган) бўлса, пломба излари кўринмаса ёки пластик идишлар (контейнерлар)нинг яхлитлиги бузилган бўлса, ушбу посылкалар божхона расмийлаштирувидан ўтказилмайди.

Бунда ярим тайёр заргарлик буюмларининг такрорий индентификацияси ваколатли орган томонидан умумий тартибда ўтказилади.

### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

29. Талабгор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

30. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қимматбаҳо металлардан тайёрланган ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш учун Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг хуносасини олиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

**Қимматбаҳо металлардан тайёрланган ярим тайёр заргарлик буюмларини  
Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси томонидан  
идентификация қилиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Талабгор	<p>Ярим тайёр заргарлик буюмларини идентификация қилиш учун Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясига (кейинги ўринларда – ваколатли орган) шахсан келиб ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мурожаат қилади.</p>	Ўз хошиига кўра
2-босқич	1. Ваколатли орган 2. ЯИДХП	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Ваколатли орган ходими аризани тўлдириб, қабул қилиб олади.</li><li>2. Тўлдирилган аризани автоматик тарзда ваколатли органга юборади.</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Ариза тўлдирилгандан кейин 10 дақиқада</li><li>2. Реал вакт режимида</li></ol>
3-босқич	Талабгор	<p>Ваколатли органга ярим тайёр заргарлик буюмларининг партиясини топширади.</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Талабгор ваколатли органга ўзи келиб мурожаат этганда ариза билан бирга.</li><li>2. Ариза ЯИДХП орқали тақдим этилганда ариза ваколатли орган томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни давомида.</li></ol>

4-босқич	Ваколатли орган	<p>Ярим тайёр заргарлик буюмини талабгордан қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилиб олади.</p>	20 дақықа ичіда
5-бочқич	Ваколатли орган	<p><b>1.</b> Ярим тайёр заргарлик буюмини идентификация қилади.</p> <p><b>2.</b> Идентификация натижаси бүйича:</p> <p>QR-код (штрихли код) қўйилган хулосан расмийлаштиради ва уни талабгорнинг ўзига топширади ёки ЯИДХП орқали унга юборади;</p> <p>хулоса беришни рад этади ва бу хақида хабарнома расмийлаштириб, талабгорнинг ўзига топширади ёки ЯИДХП орқали унга юборади.</p> <p><b>3.</b> Хабаронома ёки хулоса билан бирга талабгорга идентификация қилинган ярим тайёр заргарлик буюмларини муҳр қўйилган маҳсус посилкада топширади.</p>	<p>Ярим тайёр заргарлик буюмларининг оғирлигига қараб:</p> <p>партиянинг оғирлиги 3 000 граммгача бўлганда – 3 иш куни давомида;</p> <p>партиянинг оғирлиги 3 000 граммдан ортиқ бўлганда – 5 иш куни давомида</p>

Қимматбаҳо металлардан тайёрланган ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташқарига олиб чиқиш учун

Давлат асиллик даражаси назорати  
инспекциясининг хulosасини олиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Ўзбекистон республикаси**  
**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги**  
**Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси**  
(хulosса берувчи органинг номи)

100000, Тошкент ш., Зарафшон кўчаси, 4-йй, Тел./Факс: (99871) 233-02-33 mail: devonxona@dadni.uz  
(хulosса берувчи органинг манзили)

**Қимматбаҳо металлардан тайёрланган ярим тайёр заргарлик буюмларини  
идентификация қилиш ва хulosса олиш учун  
АРИЗА**

(талабгор номи (ишлаб чиқарувчи), СТИР рақами, поча манзили, банк номи, хисоб рақами)

номидан \_\_\_\_\_ шуни маълум қиласдики,  
(раҳбарнинг Ф.И.О.)

(металлнинг тури, буюмнинг номи, вазни (грамм), сони (дона), асиллик даражаси)

га асосан ишлаб чиқарилган,  
(заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун хабарноманинг рақами ва санаси)

(ярим тайёр заргарлик буюмини ишлаб чиқаришга оид техник хужжатларининг номи)  
талабларига жавоб беради.  
(техник жиҳатдан тартибга солиши соҳасидаги номартив хужжатнинг номи ва рақами)

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экспорт қилиш мақсадида ушбу товарларнинг ярим тайёр заргарлик буюмига мансублиги бўйича хulosса берилишини сўрайди.

Тақдим этилаётган хужжатлар рўйхати ва сони:

- 1.
- 2.

Ариза берувчи

\_\_\_\_\_ (муҳр (агар мавжуд бўлса), имзо)

(Ф.И.О.)

Сана

Қимматбаҳо металлардан тайёрланган ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташқарига олиб чиқиш учун

Давлат асилик даражаси назорати  
инспекциясининг хulosасини олиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ  
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ АСИЛЛИК  
ДАРАЖАСИ НАЗОРАТИ  
ИНСПЕКЦИЯСИ



ИНСПЕКЦИЯ  
ГОСУДАРСТВЕННОГО  
ПРОБИРНОГО КОНТРОЛЯ ПРИ  
МИНИСТЕРСТВЕ ЭКОНОМИКИ И  
ФИНАНСОВ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН

**Хулоса беришни рад этиш хақида  
ХАБАРНОМА**

202\_\_йил “\_\_” \_\_\_\_\_

-сон

Берилган: \_\_\_\_\_  
(талабгорнинг номи)

Қимматбаҳо металлардан тайёрланган ярим тайёр заргарлик буюмларини идентификация қилиш ва хулоса олиш учун тақдим этилган аризангиз қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиб, хулоса беришни рад этиш хақида хабарнома тақдим қилинмоқда.

Кўйидагиларга кўра хулоса бериш рад этилди:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

Давлат асилик даражаси назорати  
инспекцияси бошлиги

(имзо)

(Ф.И.О.)

Қимматбаҳо металлардан тайёрланган ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташқарига олиб чиқиш учун

Давлат асиллик даражаси назорати  
инспекциясининг хulosасини олиш тартиби  
тўғрисидаги низомга

4-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ  
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ АСИЛЛИК  
ДАРАЖАСИ НАЗОРАТИ  
ИНСПЕКЦИЯСИ



ИНСПЕКЦИЯ  
ГОСУДАРСТВЕННОГО  
ПРОБИРНОГО КОНТРОЛЯ ПРИ  
МИНИСТЕРСТВЕ ЭКОНОМИКИ И  
ФИНАНСОВ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН

**Қимматбаҳо металлардан тайёрланган буюмнинг ярим тайёр заргарлик буюмига мансублиги ҳақида  
ХУЛОСА**

202 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ”

-сон

аризасига биноан қимматбаҳо металлардан

(талағорнинг номи)

Талағор томонидан тақдим этилган ярим тайёр заргарлик буюмлари Қимматбаҳо металлардан тайёрланган ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташқарига олиб чиқиш учун Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг хulosасини олиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ идентификациядан ўтказилди.

Транзакция тафсилотлари:

Талағорнинг номи

Ярим тайёр заргарлик буюмининг номи

Ярим тайёр заргарлик буюмининг сони  
дона

Ярим тайёр заргарлик буюмининг асиллик даражаси

Тўпламнинг умумий оғирлиги

грамм

Партия сони

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси қуйидаги хulosага келди:

**Қимматбаҳо металлардан тайёрланган буюмлар ярим тайёр заргарлик буюмлари деб  
хисобланади ва Ўзбекистон Республикаси худудидан олиб чиқиш учун тақдим этилади.**

Хулоса ва ярим тайёр заргарлик буюмлари қадоқланади ва Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг \_\_\_\_-ракамли муҳри билан муҳрланади.

Ушбу хулоса 202 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” гача амал қиласи.

Давлат асиллик даражаси назорати  
инспекцияси бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 29 ” апрелдаги 281-сон қарорига  
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Қимматбаҳо металлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асилилк даражасини белгилаш ва тамғалаш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширганлик учун асилилк даражаси тўловини ундириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 октябрдаги 819-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

Қарорга 2-иловада:

а) 3.1-позициянинг “Ишларнинг номи” устуnidаги иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси давлат асилилк даражаси тамғалари изларининг ҳақиқийлигини, Ўзбекистон Республикаси давлат асилилк даражаси тамғаларининг излари ва ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси изи ҳамда белгиланган намунадаги асилилк даражаси белгиси қалбакилигини, шунингдек, буюмларда ҳар хил тамға излари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш”;

б) 3.2-позициянинг “Ишларнинг номи” устуnidаги иккинчи ва учинчи хатбошлар куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“олтиннинг 750, кумушнинг 925, платинанинг 900 ва палладийнинг 850 асилилк даражаларидан юқори бўлганлари спектрометрда рентген-флуоресцентли усул билан;

металл туридан қатъий назар, юқорида кўрсатилган асилилк даражаларидан паст бўлганлари намуна тошида текшириш усули билан”;

в) қуйидаги мазмундаги 3.7-позиция билан тўлдирилсин:

“

3.7.	яrim тайёр, тайёр, тугалланмаган, фойдаланишда бўлган, шикастланган ва/ёки шикаст етказувчи заргарлик буюмларини визуал аниқлаш учун:		
	200 гача	грамм	50,0
	201 дан 500 гача	грамм	100,0
	501 дан 1 000 гача	грамм	200,0
	1 001 дан 5 000 гача	грамм	500,0
	5 001 дан 10 000 гача	грамм	1 000,0
	10 001 дан юқори	грамм	3 000,0

”

